

XI. ХИЗМАТЛАР

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган хизматлар соҳасининг аҳамияти жуда улкан ва долзарб ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнларининг тобора мураккаблашиб бораётганлиги, бозорни кунлик ва индивидуал талабларга мос истеъмол моллари билан тўлдириш, инновацион ривожланишнинг жадал ўсиши жамият ҳаётининг янгилинишига олиб келади. Бу ахборот, молия, транспорт, суғурта ва бошқа турдаги хизматларсиз амалга ошмайди.

Замонавий жамият ҳаётида хизматлар соҳаси жуда кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади. Бугунги кунда у ёки бу турдаги хизматлар кўрсатмайдиган ёки ҳеч бўлмаганда унга дуч келмаган корхоналар деярли йўқ.

2018 йил январь-декабрда хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми 10959,1 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 4014,1 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 36,6 % ташкил қилди. 2017 йил январь-декабрга нисбатан ўсиш 106,4 % ташкил этди.

Хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши


| | млрд. сўм | 2017 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида | яқунга нисбатан % ҳисобида |
|--|----------------|--|----------------------------|
| Жами хизматлар | 10959,1 | 106,4 | 100,0 |
| <i>шу жумладан: хизмат турлари бўйича</i> | | | |
| алоқа ва ахборотлаштириш хизмати | 285,9 | 128,5 | 2,6 |
| молиявий хизматлар | 1 157,5 | 132,6 | 10,6 |
| транспорт хизмати | 3 028,9 | 101,2 | 27,6 |
| <i>шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i> | | | |
| яшаш ва овқатланиш хизматлари | 497,5 | 102,1 | 4,6 |
| савдо хизматлари | 3 569,9 | 100,3 | 32,6 |
| <i>кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар</i> | | | |
| таълим соҳасидаги хизматлар | 261,0 | 113,6 | 2,4 |
| соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар | 199,4 | 125,8 | 1,8 |
| ижара ва прокат хизматлари | 361,7 | 103,8 | 3,3 |

| | <i>млрд. сўм</i> | <i>2017 йил январь-декабрга нисбатан % ҳисобида</i> | <i>яқунга нисбатан % ҳисобида</i> |
|--|------------------|---|-----------------------------------|
| компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари | 265,7 | 102,3 | 2,4 |
| бошқа шахсий хизматлар | 321,5 | 101,8 | 2,9 |
| меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар | 255,1 | 150,2 | 2,3 |
| бошқа турдаги хизматлар | 360,3 | 118,2 | 3,3 |

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо хизматлари (жами хизматларнинг 32,4 %) ва транспорт хизмати (31,0 %) хизматларига тўғри келади.

Шунингдек, молиявий хизматлар (132,6 %), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (150,2 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (128,5 %) ва бошқа хизматларда (118,2 %) ўсиш суръати юқори бўлди.

2018 йил январь-декабрда хизматлар ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари улуши, %




Худудлар кесимида хизматларнинг энг юқори ўсиш суръати Нурафшон шаҳрига (121,9 %), аксинча энг паст ўсиш суръати Ўртачирчиқ, Янгийўл ва Оҳангарон туманларида 100,3 % кузатилди.

Аҳоли жон бошига энг катта хизматлар ҳажми Нурафшон шаҳри (32 517,2 минг сўм), Янгийўл (7 726,2 минг сўм) ва Олмалик (5 448,5 минг сўм) шаҳарларида қайд этилди.

Вилоят бўйича кўрсатилган хизматларнинг Нурафшон шаҳрига (14,2 %), Қибрай (9,3 %) ва Зангиота (7,7 %) туманлари хиссасига тўғри келди.

2018 йил январь-декабрь ойларида савдо хизматлари таркиби, %




Савдо хизматлари таркибига автомобиллар ва мотоцикллардан ташқари чакана савдо бўйича хизматлар катта салмоққа эга бўлиб, унинг улуши 75,4 % ни ташкил этади.


Улгуржи савдо хизматларининг (автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари) улуши 17,1 % ни ташкил этди.

Автомобиль ва мотоцикллар улгуржи ва чакана савдоси, автомобиль ва мотоциклларни таъмирлаш хизматларини кўшган ҳолда умумий савдо хизматларининг 7,5 % ни ташкил қилади.

**Худудлар кесимида хизматлар ишлаб чиқариши ҳажмларининг
ўсиш суръати, %
(2017 йилнинг январь–декабрига нисбатан)**



2018 йил январь-декабрь ойларида алоҳида хизмат турлари ҳажмининг таққосланиши, млрд.сўм



Хизматлар ҳажмининг нисбатан сезиларли бўлмаган ҳолда ошиши молиявий хизматлар бўйича кузатилди. Уларнинг ҳажми 2017 йил январь-декабрь ойларига нисбатан 0,3 трлн.сўмга ошди.

**2018 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича кўрсатилган хизматлар
ҳажми**

| | <i>Жами</i> | | | <i>Аҳоли эгон бошига</i> | |
|----------------------|-----------------|---|--|--------------------------|---|
| | <i>Млрд.сўм</i> | <i>2017 йил январь-декабрга нисбатан % да</i> | <i>Жами хизматлар ҳажмида ҳудудларнинг улуши, % да</i> | <i>минг сўм</i> | <i>2017 йил январь-декабрга нисбатан % да</i> |
| Вилоят бўйича | 10 959,1 | 106,2 | 100,0 | 3 805,4 | 105,1 |
| шаҳарлар: | | | | | |
| Нурафшон | 1 560,8 | 121,9 | 14,2 | 32 517,2 | 120,7 |
| Олмалиқ | 699,0 | 102,1 | 6,4 | 5 448,5 | 100,8 |
| Ангрен | 518,4 | 101,5 | 4,7 | 2 806,9 | 100,2 |
| Бекобод | 472,3 | 102,1 | 4,3 | 5 040,1 | 100,8 |
| Чирчиқ | 779,6 | 107,8 | 7,1 | 5 023,0 | 107,1 |
| Оҳангарон | 210,9 | 101,4 | 1,9 | 5 746,5 | 100,6 |
| Янгийўл | 459,7 | 102,1 | 4,2 | 7 726,2 | 101,5 |
| туманлар: | | | | | |
| Оққўрғон | 295,2 | 105,8 | 2,7 | 2 877,1 | 104,6 |
| Оҳангарон | 147,4 | 100,3 | 1,3 | 1 575,2 | 99,0 |
| Бекобод | 265,9 | 103,0 | 2,4 | 1 729,9 | 101,6 |
| Бўстонлик | 537,3 | 107,3 | 4,9 | 3 229,2 | 106,4 |
| Бўка | 279,1 | 105,8 | 2,5 | 2 276,3 | 104,3 |
| Зангиота | 843,1 | 106,9 | 7,7 | 4 346,1 | 105,9 |
| Қибрай | 1 018,1 | 106,5 | 9,3 | 5 183,9 | 105,2 |
| Қуйичирчиқ | 170,6 | 102,1 | 1,6 | 1 616,8 | 101,1 |


| | <i>Жами</i> | | | <i>Аҳоли жон бошига</i> | |
|-------------|-----------------|---|--|-------------------------|---|
| | <i>Млрд.сўм</i> | <i>2017 йил январь-декабрга нисбатан % да</i> | <i>Жами хизматлар ҳудудларнинг улуши, % да</i> | <i>минг сўм</i> | <i>2017 йил январь-декабрга нисбатан % да</i> |
| Паркент | 416,4 | 107,2 | 3,8 | 2 762,9 | 105,5 |
| Пискент | 143,2 | 101,2 | 1,3 | 1 452,7 | 100,0 |
| Тошкент | 602,4 | 102,1 | 5,5 | 3 413,3 | 101,1 |
| Ўртачирчик | 387,8 | 100,3 | 3,5 | 2 663,5 | 98,6 |
| Чиноз | 339,6 | 105,7 | 3,1 | 2 602,4 | 104,3 |
| Юқоричирчик | 343,0 | 106,9 | 3,1 | 2 598,4 | 105,4 |
| Янгийўл | 469,1 | 100,3 | 4,3 | 2 287,4 | 98,7 |

Худудлар ўртасида энг юқориўсиш суръатлари Нурафшон (121,9%), Чирчик шаҳри (107,8%), Бўстонлик (107,3%), Паркент (107,2%) туманларига тўғри келади.

Энг паст ўсиш суръатлари эса Оҳангарон (100,3%), Ўртачирчик (100,3%) туманларига тўғри келади.

2018 йил январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми 3 805,4 минг сўмга тенг бўлди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,1% ни ташкил этди.


2018 йил январь-декабрь ойларида ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига кўрсаткичлар



Жорий йилда вилоятда аҳоли жон бошига кўрсатилган энг юқори хизматлар улуши Нурафшон шаҳрида – 32517,2 минг сўмни, ўсиш сурати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 120,8% ташкил этди.

Аҳоли жон бошига кўрсатилган энг кичик хизматлар улуши Тошкент туманида 3413,3 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (101,1), Пискент 1452,7 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (100,0%), Янгийўл 2287,4 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (98,7%), Ўртачирчиқ 2663,5 минг сўмни, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан (98,6%) ташкил этди.

Худудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши, %да



2018 йил январь-декабрда ишлаб чиқарилган хизматлар ҳажмига нисбатан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши 73.8 % ташкил этди.

Худудлар кесимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг улуши таҳлил қилинганда энг юқори улуш Қуйичирчиқ 98,8 %, Оҳангарон 98,4 %, Янгийўл 98,2 % туманларига тўғри келиб, аксинча паст улуш Қибрай тумани 54,2 %, Нурафшон шаҳар 9,1 % тўғри келди.